ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 19 май, жума № 86 (2135)

Ушбу сонда:

2 ФУҚАРОЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИДА
2-3 ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК АСОСЛАРИ
4 ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КУЧ

## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

### Президент Ислом Каримовнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари

***Президентимиз Ислом Каримовнинг жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини таҳлил қилиш, юртдошларимизнинг орзу-ўйларидан яқиндан хабардор бўлиш мақсадида вилоятларга чиқиб туриши анъанага айланган.***

Давлатимиз раҳбари ана шу мақсадда 18 май куни Навоий вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз сафарини шаҳар аэропортида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бошлади.

- Ҳар қандай аэропорт стратегик аҳамиятга эга. Навоий аэропорти жойлашув нуқтаи назаридан бу борада, айниқса, муҳим ўрин тутади, - деди Ислом Каримов. - Бундан қарийб уч йил бурун бу ерда қурилиш ишларига киришилган, бунинг учун катта маблағ ажратилган эди. Афсуски, ўтган даврда мазкур объект учун ишлатиладиган баъзи қурилиш материаллари етказиб берадиган корхоналар бунёд этилмаган. Лойиҳада кўзда тутилган айрим хомашёлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди.

Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, хавфсизлиги учун жуда муҳим бўлган ушбу объект қурилишини бошлашдан олдин жиддий тайёргарлик кўриш зарурлигини, тегишли буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар бу борада жонбозлик кўрсатмаганини танқид қилди. Ушбу объектдаги қурилиш ишларини яхшилаш юзасидан, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ ва тавсиялар берди.

Навоий вилояти мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ерда наинки юртимизда, балки дунёда ўзига хос мавқега эга йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига киради. У Навоий кон- металлургия комбинати тасарруфидаги энг йирик саноат корхонасидир. Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Ускунасозлик цехида саноат тизимида қўлланиладиган турли хил ускуналар тайёрланади, капитал таъмирдан чиқарилади, шу билан бирга, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Дастгоҳсозлик цехида чархлаш- силлиқлаш дастгоҳи, бошқариш пульти-функционал имкониятлари кенгайтирилган ва электронли тизим орқали бошқариладиган универсал токарлик станоги ҳамда винт қирқиш дастгоҳи каби саноат учун зарур, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

- Бу заводда дунё миқёсида ноёб агрегатлар тайёрланаётгани қувонарлидир,- деди Ислом Каримов. - Энг муҳими, бу ерда илгари саноат корхоналаримиз учун четдан келтириладиган кўплаб дастгоҳ ва ускуналарни юксак сифат билан ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга корхона фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, ишчи- хизматчиларга зарур шароитлар яратиш борасида тавсиялар берди.

Ислом Каримов машинасозлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг иш ва яшаш шароити билан қизиқди.

- Бундан бир йил олдин Ирбит шаҳридаги саноат корхонаси банкротга учради, - дейди токар В.Зирянов. - Кўплар қатори мен ҳам ишсиз қолдим. Мени Навоий шаҳрига ишга таклиф қилишди. Ўзбекистоннинг машинасозлик соҳасидаги ютуқларидан яхши хабардор бўлганим учун бу таклифга бажонидил рози бўлдим. Ҳозир ишларим жойида, корхона жамоасидан хурсандман.

Президентимиз корхонанинг маданият-спорт мажмуида бўлиб, ишчи ва хизматчиларнинг спорт билан шуғулланиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди.

- Навоий вилоятининг иқлим шароитида бундай чўмилиш ҳавзаларининг аҳамияти катта, - деди Юртбошимиз. - Бундай бассейнларни янада кўпайтириш лозим.

Президент Ислом Каримов Навоий кон-металлургия комбинати мажлислар залида мазкур корхона бўлинмалари раҳбарлари билан учрашди.

- Бу корхона - бизнинг фахримиз, - деди давлатимиз раҳбари. - Муҳим стратегик масалаларни ҳал этишда унинг ўрни беқиёсдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу корхона, аввало, Ўзбекистонга валюта киритишда жиддий ўрин тутади. Иккинчидан, мазкур йирик корхона бир неча ўн минглаб кишиларни иш билан таъминлаяпти. Учинчидан, комбинат муҳим ижтимоий вазифани бажараётир. Бугунги кунда у нафақат шаҳар, вилоят, балки мамлакатимиз ижтимоий инфратузилмасини изчил ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тўртинчидан, комбинат қўли гул мутахассислар, етук кадрлар тайёрлайдиган ўз мактабини яратган. Ана шу мактаб вакиллари айни чоғда мамлакатимизнинг аксарият саноат корхоналарида самарали меҳнат қилмоқда.

Ислом Каримов комбинат фаолиятини изчил модернизация қилиш масалалари ҳақида тўхталди. Ишлаб чиқаришни мунтазам равишда янги техника ва технологиялар асосида такомиллаштириб бориш зарур. Акс ҳолда корхона кучли рақобат шароитида дунё бозорида ўз мавқеини қўлдан бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга, корхона ривожи учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни кучайтириш, оғир юк ташишга ихтисослашган техника ишлаб чиқарадиган Россия ва Беларусь корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Навоий шаҳри ва вилоятида ҳам кўплаб янги объектлар бунёд этилмоқда. Шаҳарда қад ростлаган масжид ана шундай янги иншоотлардан бири.

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу маскан Наврўз тантаналари куни очилди. Ислом Каримов бу ерда вилоят имом хатиби, оқсоқоллар билан суҳбатлашар экан, Алишер Навоийдек буюк мутафаккир бобомиз номи билан аталувчи шаҳар ва вилоятни обод этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, юртдошларимизга барча соҳада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мустақиллигимиз шарофати туфайли эканини алоҳида таъкидлади.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Бухорога келди.

Давлатимиз раҳбари тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган шаҳар Марказий истироҳат боғини кўздан кечирди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Мазкур боғ, жумладан жорий йил 9 май - Хотира ва қадрлаш куни арафасида барпо этилган Хотира майдони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, яхлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Бухорода ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, янги тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда. Президентимиз Бухоро шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бундай замонавий тиббиёт масканлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

**Ғулом МИРЗО,**
**Ёрқул УМАР,**
**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Эркин ЁДГОР,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

***Тинчлик, хотиржамлик ва барқарорлик ҳукм сурган элга байрамлар ярашади. Қашқадарё вилоятининг замонавий спорт масканларида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» ўйинлари шукуҳи ҳали кўнгилларни тарк этмай туриб, яна бир йирик спорт тадбири — қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадаси бошланди.***

Энг нуфузли жамоат ташкилотларидан бири саналмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоячиси бўлиш билан бирга, ўз дастур ва жамоа келишувларида жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бинобарин, спорт мактаби вакиллари Осиё, жаҳон чемпионатлари ҳамда олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётганини ҳам соҳага юксак эътибор меваси сифатида тушуниш мумкин. Жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпионлари Александр Доктурашвили, Дилшод Мансуров, Оксана Чусовитина, Беҳзод Хидиров, Равил Начаев, Антон Ряхов сингари спортчилар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

## ОЗОД ЭЛГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

### Гўзал Фарғонада қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадасига старт берилди

Тадбир

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Раёсати қарори билан мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилаётган қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадасида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 300 дан зиёд вакиллар иштирок этмоқда.

Кеча Марказий «Фарғона» ўйингоҳида спартакиада баҳсларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Байрамона безатилган ўйингоҳга оркестр садолари остида кириб келган спорт фахрийлари ҳамда қатнашчиларни мухлислар олқишлар билан кутиб олдилар.

Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов спартакиада ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир қишлоқ хонадонида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва бу орқали ёшлар ҳамда аёлларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат эканлигини, бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишларда касаба уюшма ташкилотлари ҳам олдинги сафда бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси янграб, мусобақа байроғи кўтарилди. Санъат усталари Абдулҳай Каримов, Валижон Қодиров ва турли гуруҳларнинг чиқишлари барчага байрамона кайфият улашди.

Ушбу спорт баҳслари асосан қишлоқ меҳнаткашларини оммавий спортга кенг жалб этиш ва бу орқали уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга қаратилган. Баҳсларнинг дастлабки босқичида 12 мингдан зиёд қишлоқ меҳнаткашлари вакиллари ўзаро беллашдилар. Яна бир аҳамиятли жиҳати, баҳсларда қишлоқ меҳнаткашлари, ҳаваскор спортчиларгина иштирок этмоқда.

Ҳа, Сўлим Қувасойнинг Арсиф қишлоғидаги Аҳмад ал-Фарғоний сиҳатгоҳи бугун ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда тадбир қатнашчилари ўз маҳоратларини намойиш этиш билан бирга, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун ташкилотчилар бор имкониятларни ишга солдилар.

— Тадбир, ўйлаганимиздек, ажойиб тарзда ўтмоқда. Меҳмонларнинг кайфияти аъло даражада, бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Дадажонов. — Уларни мазмунли дам олдириш ва тадбирни бир умр эсда қоларли қилиб ўтказиш учун турли дастурлар ишлаб чиқдик. Сиҳатгоҳда ташкил этилаётган концертлар ва шаҳар бўйлаб уюштириладиган саёҳатлар шулар жумласидандир.

Спартакиада спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, стритбол, арқон тортиш ва курашнинг ҳар икки йўналиши бўйича ўтказилмоқда.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Абдулла Очилов, Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Алишер Муратов, Белбоғли кураш Федерацияси президенти Рустам Исоқовлар иштирок этди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ,**
**«Ишонч» махсус мухбирлари**

## ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

### Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинларига сайловлар қизғин паллага кирди

***Нарпай туманида ҳам бу борадаги ишлар самарали ташкил этилган. Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи махсус комиссия тузилган эди. Айни пайтда ушбу комиссия қизғин фаолият олиб бормоқда.***

— Туманда 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини, битта шаҳарча фуқаролар йиғини, 56 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд – дейди комиссия раиси Тошпўлат Тошмуродов. — Шу йилнинг 10 апрелидан бошлаб барча фуқаролар йиғинларида йиғин раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказувчи ишчи гуруҳлари тузилди. Мавжуд маҳалла, қишлоқларда фуқаролар билан йиғилишлар ўтказиб, раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловига вакиллар сайланиб, муносиб номзодлар аниқлаб олинди. Сайловлар бошланиш кунигача тумандаги мавжуд аҳолининг 81800 нафар 18 ёшдан юқори фуқаролари орасидан 5016 нафар вакил сайланди. Ҳар бир фуқаролар йиғинларида 3 нафардан 6 нафаргача раис (оқсоқол)лик учун номзодлар тавсия этилганлигининг ўзи жараёнга адолатли, ошкоралик тамойиллари асосида ёндошилаётганидан далолатдир.

Кўмаклашувчи комиссия иши билан танишар эканмиз, тумандаги Косагарон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Тепа», «Болғали», «Манғит», «Мушкент» маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловлар ҳисоботи диққатимизни тортди. Туман оқсоқоллар кенгаши ва маҳалла жамғармаси раиси, кўмаклашувчи комиссия аъзоси Иброҳим Исоқуловнинг таъкидлашича, сайланаётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни кўпчилик ташвиши ва дарди билан яшаш, ишсизликни имкон қадар қисқартириш, ободонлаштириш ва бошқа долзарб муаммолар хусусидаги талаб ва таклифларни ўрганиш вазифалари қўйилмоқда.

Қаерда маҳалла, қишлоқ, овул ва кўча оқсоқоллари ҳушёр, талабчан ҳамда эътиборли бўлса, ўша ерда фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида турли қонунбузарлик, жиноятчиликнинг камайишига эришилмоқда. Агар буни тумандаги «Манғит» ва «Тепа» қишлоқлари мисолида айтадиган бўлсак, фаолларнинг ҳушёрлиги боис тунги постлар муттасил ишлаб турибди. Профилактика инспектори Асад Бобоқулов тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда маҳалланинг обрўли фаоллари кўмагидан фойдаланмоқда. Кейинги икки йилда ҳар икки маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам бирорта жиноят содир этилмаганлиги ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Сайлов чоғида билдирилган ҳар бир фикр эътиборга олинмоқда. Кўмаклашувчи комиссия аъзоларининг маҳаллий телевидение ва матбуотдаги тарғибот-ташвиқот борасидаги чиқишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**журналист**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикамизда ушбу муҳим сиёсий жараён қизғин тус олган.***



**Фуқаролар йиғинларида сайловлар**

## МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

Хусусан, Яккасарой туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар давом этяпти. Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда жами 117 нафар вакилдан 98 нафари иштирок этди. 2 номзод орасидан кўп овоз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шермат Адилов қайта сайланди.

Бу тасодифий эмас, албатта. Ўтган йиллар мобайнида Ш. Адилов ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, яхши-ёмон кунларда эл хизматига камарбасталиги билан кишилар ўртасида обрў қозонди. Сайловчилардан А. Дадабоев, И. Фрунгарт, Б. Юнусов ва бошқалар сўзга чиқишиб, ана шулар ҳақида гапиришди.

Шунингдек, Усмон Носир ва Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайлов ҳам намунали ташкил этилди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинидан 87 нафар сайловчи 2 номзоддан бири Дилбар Султоновани раис этиб сайлашди. Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раислигига эса «Дўстлик» ордени соҳиби Михаил Митрофанович Киктев қайта сайланди.

Бунинг боиси М.М.Киктев кўнгли ўксикка тиргак, ночорга кўмак, ғамгузорга ҳамдард бўлиб эл кўнглига йўл топганлардан.

Сайловларда катта ҳаётий тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга кишилар маҳалла раиси, маслаҳатчилари этиб сайланди. Умуман Тошкент шаҳрида жами 474 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, шуларнинг 147 тасида ҳисобот-сайловлари бўлиб ўтди. Уларда 11 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОЧИҚ ВА ОШКОРА РУҲДА ЎТДИ

***Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтказилмоқда.***

Қўқон шаҳрининг 14-Қаймоқли гузар маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарнинг энг кўҳна ҳудудларидан саналади. Бу маҳалла аҳли ўзининг меҳнаткашлиги, куч-ғайрати билан юртимиз салоҳияти, эл фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Маҳалла аҳли сайловда яна бир бор ўз ҳамжиҳатлигини намойиш этди. Номзоди кўрсатилган уч киши орасидан очиқ овоз бериш йўли билан маҳалла фуқаролар йиғини раислигига Матлубахон Содиқовани муносиб деб топдилар. Шунингдек, йиғилишда раис маслаҳатчилари сайлаб олинди.

**«Ishonch»га жавоб берадилар**

***Олот тумани Талқон Саёт қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги Салоқоровул қишлоғида яшовчи Рўзи Қурбонов таҳририятга шикоят хати йўллаб, Гулистон ширкати негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига экин майдонларини ажратиш жараёнида амалдаги қонунларга зид равишда иш кўрилаётганини таъкидлаган. Муаллиф аризаси ўрганиб чиқиш учун мутасадди ташкилотга юборилганди. Яқинда ушбу хат юзасидан қуйидаги жавобни олдик:***

## ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

«Р.Қурбоновнинг ер ажратишда адолатсизликка йўл қўйилаётганлиги тўғрисидаги хати Бухоро вилоят ҳокимиятининг тегишли мутахассислари томонидан жойида ўрганиб чиқилди. Жумладан, Ж.Раҳмонов, У.Сафаров, А.Қуллиев ва ҳудуддаги бир қатор фуқаролар томонидан ширкат хўжалигининг 5-бош пудратга тегишли 10-сонли ўрта мактабга берилган бир гектар экин майдони ўзбошимчалик билан ноқонуний эгаллаб олингани аниқланди.

Шу масала бўйича туман ҳокимияти ва прокуратураси жалб қилиниб, ҳозирги кунда суриштирув ишлари олиб борилаяпти. Шунингдек, барча тумандаги тугатилаётган хўжаликларда бундай аҳвол қайта такрорланмаслиги учун мутасаддилар бириктилиб, чора-тадбирлар кўрилди.»

**Н.ҲАЙДАРОВ,**
**Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти мудири**

**Спорт инсонни ҳам жисман, ҳам руҳан тарбияловчи омилдир. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимларининг II спартакиадаси ана шу маънода ўз мақсадига эришди.**

**Унда иштирок этган 140 нафар соҳа вакиллари спортнинг стритбол, шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича ўзаро беллашишди. Мусобақалар қизиқарли ва муросасиз курашларга бой тарзда кечди.**

**Қизғин баҳслар натижасида умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти вакиллари I ўринни қўлга киритишди. II ва III ўринлар жиззахлик ҳамда Тошкент шаҳри таълим ходимларига насиб этди. Ғолиблар Марказий Кенгаш томонидан таъсис этилган кўчма кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.**

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар







# МАСЛАҲАТХОНА

## Саволингизга Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Турсун Ниёзов жавоб беради

***Савол: бирор давлат корхонасида раҳбарлик лавозимида ойлик олиб ишлаётган шахс танлов ғолиби бўлиб фермер бўлса, эгаллаб турган вазифасидан озод қилиниши керакми?***

**З. ҚОЗОҚОВА,**
**Амударё тумани, Манғит шаҳри**

**Жавоб:** «Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида»ги Низомга биноан ходимнинг асосий иш вақтидан бўш бўлган вақтларда меҳнат шартномаси шартлари бўйича мунтазам равишда ҳақ тўланадиган ишидан ташқари бажарадиган иши — ўриндошлик иши ҳисобланади. Ишчи ва хизматчиларга уларнинг асосий иш жойларидаги битта корхона (бирлашма), муассаса, ташкилотда ёки бошқа корхона (бирлашма), муассаса, ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлашларига рухсат этилади.

Ўриндошлик бўйича ишлаш учун асосий иш жойидаги маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги талаб қилинмайди.

Ўриндошлик асосида бошқа корхонага ишга кирувчи ходим иш берувчига паспортини ва асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этиши шарт.

Махсус билимларни талаб қилувчи ишга қабул қилиш чоғида маъмурият ходимдан олинган маълумоти ёки касб тайёргарлиги тўғрисидаги диплом ёхуд бошқа ҳужжатни тақдим этишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундан ташқари ўриндошлик бўйича ишнинг умумий давомийлиги бир ой мобайнида ходимларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган иш вақти ойлик меъёрининг ярмидан ошмаслиги керак.

Агар қонунларда бошқа нарса белгиланмаган бўлса, айни бир вақтда иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди. Жумладан, фермер хўжалиги раиси ҳам раҳбарлик лавозими ҳисобланади. Шунинг учун бошқа корхона раҳбари фермер хўжалиги раиси бўлиб ишлаши мумкин эмас.

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***Савол: 1950 йилнинг 25 мартида туғилганман. 27 йил давлат санитария-эпидемиология назорат марказида ўрта тиббиёт ходими, 3 йил санитария бўлимида санинструктор лавозимида ишладим. Ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат қилган эдим. Санинструктор бўлиб ишлаган йиллар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди, деб жавоб беришди. Шу тўғрими?***

**А.ЭШҚОБИЛОВ,**
**Қамаши шаҳри**

**Жавоб:** Шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-сонли рўйхатнинг 8-қисмига мувофиқ охирги иш жойидан қатъий назар, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тиббиёт ходими имтиёзли пенсияга чиқиши учун ўрта махсус ёки олий маълумотли тиббиёт ходими бўлиши шарт. Бундан ташқари, ҳар бир муассасада иш берувчи ҳамда ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассис ходимни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини тайёрлашда, тасдиқлашда, меҳнат дафтарчасига бу ёзувларни киритишда, шунингдек, ҳар бир лавозимнинг тўғри номланишида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 26 августдаги 461-сонли ва 1993 йилнинг 8 январидаги 2-сонли буйруқлари билан тасдиқланган ўрта тиббиёт ходимлари ва врачлар лавозимлари рўйхатидан фойдаланилмоғи зарур.

Шунинг учун сиз муассасадаги штатлар жадвали ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган буйруқлар билан танишиб чиқишингиз зарур. Сўнг бирор бир қарорга келиб бу ҳақда тегишли ёрдам кўрсатишларини сўраб вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ходимларига маълум қилишингиз керак. Улар мазкур масалани ўрганиб чиққач, сизга тегишли ёрдам кўрсатадилар.

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***Савол: умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи мактабда, коллежда ишлаётган ўқитувчи ва маориф ходимларига тегишли. Лекин мен чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси бўлиб ишлаганман. Пенсияга 55 ёшдан чиқишим мумкинми?***

**Х.ҚУРБОНОВ,**
**Дўстлик туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

**Жавоб:** Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг 7-қисмида чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси назарда тутилмаган.

***Савол: Бу йил 55 ёшга тўлдим. 1983-89 йиллар МУПК-3 даги иш фаолиятимни ижтимоий таъминот ходимлари ўқитувчилик иш стажига қўшилмайди, дейишмоқда. Шу тўғрими?***

**Т.АСАДОВ,**
**Булунғур тумани**

**Жавоб:** Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлганларидагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу қонунга биноан МУПК-3да тракторшунослик ва автомобиллар тузилиши бўйича дарс берган иш фаолиятингиз махсус ўқитувчилик иш стажига қўшилмайди.



# МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг болалар хирургияси бўлими ходимлари ҳақида ҳеч шубҳаланмай шундай дейиш мумкин. Тез тиббий ёрдам хизмати ичида болалар хирургияси бўлими ўта масъулиятли ҳисобланади.

Сабаби, бу ерда ўн беш ёшгача бўлган беморларга гастроэнтерологик ёрдам кўрсатилади. Бўлим ходимлари ўз касбини жуда яхши билган 4 нафар олий тоифали ва икки нафар биринчи тоифали малакали мутахассислардан иборат.

Болалар хирургияси бўлимида ҳозирги пайтда замонавий қулайликларга эга тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган алоҳида палаталар, бемор болаларга мўлжаллаб жиҳозланган хона, муолажа, боғлов ва бошқа хоналар мавжуд. Шунингдек, ушбу бўлимда энг мураккаб операциялар амалга оширилади. Операция ва даволаш жараёнларида тиббиётнинг энг замонавий асбоб-ускуналари қўлланилади.

**Суратларда: бир гуруҳ шифокорлар; тез тиббий ёрдам филиалининг ташқи кўриниши.**

**Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ







*Барча соҳа ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди. Уларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилайди!*





# МУСТАҚИЛЛИК АСОСЛАРИ

бурч-мажбуриятлари, шунингдек, манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бўлимларга асосий ўрин берилди. Фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатловчи механизмлар белгиланди. Асосий Қонунда республиканинг давлат суверенитети, унинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги қатъий таъкидланган, халқаро ҳамжамият аъзоси сифатидаги мақоми мустаҳкамланган ҳамда қонун устуворлиги, тамойиллари қайд этилган.

Конституция суверен Ўзбекистоннинг ривожланишида ҳуқуқий пойдевор бўлди. Унда халқнинг мақсади аниқ қилиб — инсонпарварлик тамойили асосида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, дея белгилаб қўйилди.

Давлатчиликнинг конституциявий ривожланишининг **учинчи босқичи** Асосий Қонун принциплари ва меъёрларини амалиётга жорий қилишни таъминлаш имконини берди. Бу давр қонунлар яратишдаги ижодий жараёнлар жадаллашгани билан ажралиб туради. 600 дан зиёд қонун ва 15 та кодекс қабул қилинди. Айни пайтда, бу босқичнинг янада муҳим жиҳати ўлароқ, давлат раҳбари «Ўзбек модели»нинг беш тамойилини ишлаб чиқди ва стратегик тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Тамойиллар қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, Қонун устуворлиги тўғрисидаги тамойил Асосий Қонуннинг 15-16-моддаларида акс эттирилган.

**Тўртинчи босқич** амалий ва ташкилий жиҳатдан конституциявий меъёрлар ва қонунчилик қоидаларининг ҳаётга қатъий татбиқ этилиши билан ажралиб туради. Қонун ижодкорлиги жараёнида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий ва ҳуқуқий қурилиш дастури ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш стратегияси ишлаб чиқилди. Қонун ижодкорлиги тизимида «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

2002 йилнинг 27 январ куни ўтказилган умумхалқ референдуми давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга бағишланган эди. Унда халқимиз Олий Мажлиснинг учинчи чақириғида икки палатали парламентни ташкил этишни (Қонунчилик палатаси ва Сенат) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришни ёқлади. Референдум якунлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ тузилажак янги палаталарнинг мақомини белгилайдиган қатор конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ ислоҳотлар жараёнида мамлакат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида юз берган улкан тарихий ўзгаришлар амалдаги Конституцияга ва қонунларга тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тақозо қиларди. Натижада «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Шу тариқа Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланишидаги янги — **бешинчи босқичи** бошланди.

Амалдаги Конституциямизнинг 32 та моддасига киритилган олти йўналиш-

### Назарий мушоҳада

даги ўзгартишлар ва қўшимчалар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг мақомини, сайлов тизимини ҳамда Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш қоидаларини янада аниқ ва тўлиқ белгилаб берди.

Асосий қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиради ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини босқичма-босқич такомиллаштиришнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилади.

Асосий Қонунга кўра, давлат раҳбари — Президент Конституция, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият тараққиётининг кафолати ҳисобланади. Жамиятнинг бугуни ва эртаси, гуллаб-яшнаши айнан давлат раҳбари, унинг танлаган стратегиясига боғлиқдир. Бу йўналишда қилинаётган амалий ишлар мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва ривожланишни таъминлаб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида бу тарихий ҳақиқатни муштарийларга етказиб, Ўзбекистон Республикасининг тинчлиги, барқарорлиги, осойишталиги катта саъй-ҳаракатлар, ҳатто ғаламислар томонидан уюштирилган террористик хуружларни бартараф этиш учун қурбонлар эвазига эришилаётганлигини, унинг қадрини, буюклигини эслатишдир.

Барча тинчликсевар халқлар каби Ўзбекистон халқи ҳам ўз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий давлат мустақиллиги ва бошқа барча масалаларни фақат қонунга асосан ҳал этиш тарафдори ва шу йўлдан оғишмасдан бормоқда.

**Фахри РАҲИМОВ,**
**юридик фанлари доктори**


**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Қашқадарё вилояти маклерияти орқали Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ бошланғич баҳоларининг босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 22 майдан қуйидаги давлат объектлари қўйилаётганини маълум қиламиз.

1. Нишон тумани, Талимаржон ИЭСдан жойлашган «Иссиқлик манбаи» ОАЖга қарашли «Туркистон» қозонхонасининг асосий воситалари. **Бошланғич баҳоси — 338500,1 минг сўм.**

2. Қарши шаҳрида жойлашган «Иссиқлик манбаи» ОАЖга қарашли РК-1 қозонхонасининг асосий воситалари. **Бошланғич баҳоси — 79927,7 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, азиз юртдошлар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари ушбу объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзил: Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй.**
**Тел: (375) 226-01-63, 226-01-70, Факс: 226-01-63**

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.05г. Шайбазян Чаренц Гургенович раскрывает информацию о намерении приобрести 442008 штук акций простых именных ОАО «Toshkent shahar y'ol qurilish va ta'mirlash tresti», что составляет 41.2% от уставного фонда. Адрес эмитента: г.Ташкент, ул.Хамал 29.

# ҲИСОБ — 2:2. МЕҲМОНЛАР ФОЙДАСИГА

## «Пахтакор» Осиё чемпионлар лигаси билан хайрлашди. Афсуски, «Машъал» ҳам.

***Афанди латифаларини кўп эшитганмиз. Уларнинг бирида Афанди катта кетиб «Худо хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам шу ошни ейман» деган гапни сўзлай турганда бир тушунмовчилик сабаб миршаблар уни олиб кетишади. Сўроқ бериб ярим кечаси уйига қайтган Афанди эшигини тақиллатса, хотини ичкаридан «ким?» дея сўроқлайди. Шунда Афанди: «Худо хоҳласа, эрингман» дейди.***

Орзиқиб кутганимиз ва томоша қилганимиз Осиё чемпионлар лигаси доирасида ўтказилган «Пахтакор» ва «Ал-Қодисия» жамоалари ўртасидаги учрашув беихтиёр юқоридаги латифани ёдга солди. Яшириб нима қилдик, мухлисларни қўя турайлик — улар тўла-тўкис «Пахтакор» ғалабасини башорат қилишган бўлса, мутахассислар «олтмишга қирқ» тариқасида чемпионимизга устунлик беришган эди.

Амалда эса биз бунинг аксини кўрдик. Агар бангладешлик ҳакамнинг ўйин тугаганлиги тўғрисидаги хуштагидан сўнг таблода қайд этилган ҳисобдан келиб чиқиб фикр билдирадиган бўлсак гўё икки томон муроса йўлини танлагандек — дарвозаларга киритилган иккитадан тўп бир қарашда кучлар тенглигини билдириб турган каби таассурот қолдирса-да, аслида бошқачароқ манзара шоҳидига айланганимиз бор гап. Буни қандай изоҳлашни ҳам билмайсан киши. Балки футболчиларимиз керагидан ортиқча ҳаяжон оқибатида ўз ўйинларини топа олишмагандир, балки бунга жамоа мураббийлари танлаган тактика сабаб бўлгандир?..

Ҳар ҳолда сафарда тўп суришига қарамай «Ал-Қодисия» мураббийи Муҳаммад Иброҳим учрашув аввалидан майдонга уч ҳужумчини ташлагани ҳолда ўз уйида, ашаддий мухлислари қўллаб-қувватлашидан мадад олиб ҳаракатланадиган «Пахтакор» таркибида бор-йўғи битта ҳужумчи бўлишини қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин? Эҳтимол шу боисданми, башорат қилингандек «Пахтакор»нинг устунлиги кўзга ташланмади. Боз устига ҳимоячиларимизнинг пала-партиш ҳаракатини мунтазам ҳис қилган ҳолда дарвозани қўриқлашга маҳкум этилган ёш ва етарли даражада тажриба тўплаб улгурмаган Темур Жўраев ҳам ўзини кўрсатолмади. Учрашувнинг еттинчи дақиқасидаёқ Хусайн Али томонидан бош билан берилган зарба гол билан хотима топгач, вазият баттар чигаллашдиқўйди. Орадан етти дақиқа ўтгач Ринат Байрамов ҳисобни тенглаштирган эса-да, умумий аҳвол ўша-ўшалигича қолди.



Бирор одамнинг зукколигини эътироф этмоқчи бўлсак, девор бўлмаса кўчани кўради, дея муболағага зўр берамиз. Назаримизда жамоа устози ҳам шундай фазилат соҳиби бўлиши керак. Лекин ушбу ўйинда В. Непомнящий иккинчи таймда амалга оширган таркиб ўзгаришлари юриб бораётган поезд ортидан ҳаллослаб югуришга ўхшаб кетди. Айниқса, бу ҳол «Ал-Қодисия» Т. Жўраев дарвозасига иккинчи тўпни йўллагач яққол кўзга ташланди. Заҳирадан аввал И. Уче, сўнгра бирин-сирин А. Солиев ва С. Абдуллаев ҳужумни кучайтириш учун майдонга туширилди. Лекин кечикиб қабул қилинган қарорнинг кучи ҳисобни тенглаштиришгагина етди.

Гуруҳ ғолиби бўлиш учун эса «Пахтакор»га фақат ва фақат ғалаба керак эди. Бунга гуруҳ ўйинларини 0:6 ҳисобида аламли мағлубиятга учраш билан бошлаган Қувайтнинг «Ал-Қодисия» клуби мушарраф бўлди.

Таассуфки, худди шундай қисмат яна бир вакилимиз — «Машъал» бошида ҳам бор экан. Янги бош мураббий Виктор Кумиков йўл-йўриқларини олиб майдонга тушган муборакликлар, эътироф этиш лозим, ёмон таассурот қолдирмаган бўлсалар-да, «Ал-Айн» билан учрашувни 1:2 ҳисобида бой бериб, бутун орзу-умидларни келгуси йилга қолдиришга мажбур бўлдилар.

Шу ўринда бир гап. Биз табиатан ўз-ўзимизни юпатишга кўп устамиз. Лекин, чамаси, ҳозир бу тахлит йўл тутмаганимиз маъқулга ўхшайди. Ахир кутишнинг ҳам чеки-чегараси бор-да! Ана-мана деб Германияда бўладиган мундиалдан қуруқ қолдик. Мана ишонган клуб жамоаларимиз ҳам ишончни оқламади. Бундай ҳол қачонгача давом этади? Тезкор ва таъсирчан choралар кўрадиган вақт етиб келган кўринади. Яна ва яна кутишга, очиғи, вақтимиз йўқ, хоҳишимиз ҳам.

Ҳукуматимиз томонидан футболни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан мутасадди ташкилотлар олдига қўйилган топшириқ ва вазифалар ҳам отга қамчи босиш лозимлигини тасдиқламоқда. Спорт, шунчаки кўнгилочар томоша эмас, у Президентимиз айтмоқчи, юртимизни, миллатимизни дунёга танитадиган энг қулай восита, ажойиб имконият. Бу имкониятдан қанчалик омилкорона фойдалансак, шунчалик яхши.

Фикримизнинг нафақат маънавий, молиявий жиҳати ҳам борлигини унутмайлик. Буни социологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Маълум бўлишича, севимли жамоаси ғалаба қозонган мухлиснинг иш унумдорлиги 30 — 40 фоизга ортар экан.

Нима қилсак ўзимизга. Ахир одамзот ўз-ўзига ёмонлик тиламайди-ку!

**Зайниддин РИХСИЕВ**



# АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

***Спорт маънавий етуклик, жисмоний баркамоллик гаровидир. Бинобарин, жисмоний тарбия ва спорт орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш билан бир қаторда, ватанпарварлик туйғуси ҳам шаклланади, маънавий тарбия қарор топади.***

Ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида хотин-қизлар ўртасида VII спартакиада бўлиб ўтди. Бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган ушбу мусобақада иштирок этган 60 нафар соҳа ходимлари билан тингловчи ўқувчилар ўртасида ғолиблик баҳслари олиб борилди. Спартакиада дастуридан ўрин олган эстафета, гандбол, арқон тортиш ва армрестлинг каби турлар бўйича Давлат ва жамият қурилиш факультети, Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультети, Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети, Академия қошидаги Олий бизнес мактаби, шунингдек, ишчи-ходимлардан таркиб топган жамоалар беллашдилар.





—Мақсад битта, у ҳам бўлса, аёлларнинг спортга бўлган қизиқишини рағбатлантириш эди, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Баҳромов.

Ғоят қизиқарли кечган беллашувлар натижаси ўлароқ биринчи ўрин Давлат ва жамият қурилиш факультети, иккинчи ўрин Олий бизнес мактаби, учинчи ўрин эса ишчи-ходимлар жамоасига насиб этди.

**О.ЮНУСОВ**

# «ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БУЛБУЛЛАРИ»

## Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ушбу ном остида анъанавий қўшиқ фестивалини ўтказмоқда

***Водийнинг уч вилоятида ўтиши режалаштирилган фестивалнинг биринчи босқичи эл севган ҳофиз ва моҳир актёр, миллий театр ва мусиқа санъати ривожланишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов хотирасига бағишланди. Қўқон шаҳридаги Фурқат номли боғда 4 майда ўтказилган қўшиқ фестивалига кўплаб санъат мухлислари, ҳофизнинг шогирдлари ва у билан бирга ишлаган дўсту биродарлари ташриф буюришди. Тадбир меҳмонлари ҳофизнинг ҳаёти ва ижоди акс этган кўргазма билан танишдилар. Сўнгра Муроджон Аҳмедовни яқиндан билганларнинг хотиралари тингланди.***

Муроджон Аҳмедов катта завқ-шавқ билан куйлаган, она-Ватан, юксак инсоний туйғулар таранум этилган қўшиқлардан тузилган концерт дастури намойиш этилди.

15 майда Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида эса Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев хотирасига бағишлаб ташкил этилган қўшиқ фестивали ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Унда иштирок этиш учун Тошкентдан бир гуруҳ таниқли ҳофизлар ташриф буюришди.

Хотира анжумани Фаттоҳхон Мамадалиевнинг машҳур қўшиғи «Дарду дилим» билан бошланди. Уни бетакрор ҳофизнинг дилбанди ва сулоласининг давомчиси Нодира Мамадалиева ижро этди. Ўлмас Саиджонов, Маҳмуджон Йўлдошев каби эл севган санъаткорлар Фаттоҳхон Мамадалиевдан ўрганиб, хавас қилиб, анъанаю усулларига таяниб яратилган қўшиқларини ижро этишди.

«Фарғона водийси булбуллари» анъанавий қўшиқ фестивалининг учинчи босқичи эса ноёб овоз соҳибаси, дурдона қўшиқлар билан мухлислар қалбидан жой олган Ўзбекистон халқ артисти Ҳабибахон Охунова хотирасига бағишлаб Наманганда ўтказилади.

**Ю.АВЛАҚУЛОВ**

***Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ранг тасвир усталари ижоди ва халқ амалий санъати намуналари намойишига бағишланган «Баҳор камалаги» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.***

«Россия қуроқ мозаикаси» экспозицияси, Санкт-Петербургдаги «Квилт-клуб», «Сибирушка» қуроқ тикиш клуби ва «Рус квадрати» мактаби тингловчиларининг замонавий асарлари, қозоғистонлик рассом аёллар Г. Онғарова, Г. Қусеинова, А. Беккулова, Г. Жўраева, А. Қириқбоева, Нурке Майраларнинг кигиз техникасидаги ажойиб тасвирлари, халқ амалий санъати ва замонавий дастгоҳли рангтасвир йўналишда яратган асарлари, Ўзбекистон дастгоҳли рангтасвир, сопол ва ёғоч ўймакорлиги намуналари, Г. Айгиев номидаги Қирғизистон Миллий Тасвирий санъат музейи тўпламидаги асарлар, Тожикистон анъанавий ва замонавий санъат асарлари, Хитой Фуцзянь ўлкаси рангтасвири ва график асарлари кўргазмадан жой эгаллади.

# ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН КУЧ

Ўзбекистон рангтасвир санъати усталари ижодида ранг доғлари, чизиқлар, нуқталар ва реаллик ўта модернизация қилиниши кўзга ташланади. Кўнгилдаги тебранишлар, орзу-истак, интилиш онларидаги ҳолатлар мусаввир Акмал Нурнинг «Булоқ» композициясида ва умуман шу серияли асарларида акс этган. Улар образлар воситасида талқин этилган. Л. Ибрагимов, Ғ. Қодиров каби рассомларнинг асарлари илоҳий кучлар, самовий тушунчалар тимсоли, ўтмиш, фантастик руҳий олам асосида қурилган. Акмал Нур тасвирларида ранглар мутаносиблиги, чизиқлар ўйини, нуқта, туйғулар тўлқини, муаммоли ечим, жилвагар зарҳал тусланишлардан кенг фойдаланилган.

Россия қуроқ ҳаваскорлик тўгарагида олиб борилган изланишлар натижасига кўра ҳар бир инсоннинг фикрлаш дунёси ўзига хос тарзда очиб берилиши ҳам санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Тасвирнинг маълум қонун-қоидалардан йироқ, табиий, одми ҳиссий олам кўринишида яратилиши халқона услубни юзага келтирган.

Қозоғистонлик санъат усталарининг кўргазмаси эса рангтасвир, халқ амалий санъатининг барча турларини қамраган. Характерли томони, кескин, янги ифодавий таъсирли йўлларни қўллаш, тасвирий йўналишлар ва композицион тажрибалар, айниқса, кигиз наматда кенг изланишлар олиб борилаётганлиги ижодий ранг-барангликни таъминлаган. Кундалик турмуш анжомлари — эгар-жабдуқ, қамчи, санъат даражасидаги ёғочдан ишланган идиш-товоқ, чўмич-қошиқ, обдаста ва бошқа турли рўзғор буюмлари, тақинчоқ турлари, зеби-зийнатлар, миллий ўйма, бўртма тасвирлар тимсолида халқ ички олами намоён этилган. Инсоний сезги ва ўйлар, инжа туйғулар эпкини маҳорат кучи билан ўз ифодасини топган.

Жумладан, А.Беккулованинг «Давр петроглифи», «Шарқ бодринги», Г.Жўраеванинг «Кўк-мовий даштлар», «Ойдин кўклам», «Парвоз», «Кенг дала», «Тотем», Нурке Майранинг «Ажарли кун», «Оқ гултожибарг», «Тўқ сариқ кун», Г.Онғарованинг «Булутлар», «Саънди», «Гул», «Нозик», А.Қириқбоеванинг «Магия», «Чўл сонети», Г.Қусеинованинг «Ҳаёт оқими» асарлари мусиқийлик, назокат ва нафисликдан яралган қайтарилмас рангин олам ва композицион қурилмаларга эга. Гобелен, жун, тикиш, кигиз, шойи ва аралаш техникаларнинг чексиз-чегарасиз имкониятлари киши қалбига ҳайрат солади.

Бундан ташқари, бетакрор Хитой тасвирий санъати, қардош тожик ва қирғиз миллий рассомчилиги намуналари қалбларга чексиз ҳайрат улашди.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**санъатшунос**


# САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ «САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ БЎЙИЧА МУҲИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

**2005 йил натижалари бўйича Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдоғар» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг бўлиб ўтган умумий йиғилиши ҳақида маълумот**

Умумий йиғилиш тури — **Умумий ҳисобот йиғилиши**

Умумий йиғилиш ўтказиш шакли — **очиқ йиғилиш**

Умумий йиғилиш ўтказилган сана — **2006 йил 12 май**

Умумий йиғилиш ўтказилган жой — **Тошкент шаҳри С.Барака кўчаси 76-уй**

Умумий йиғилиш кворуми — **89,6 фоиз**

**Кун тартиби**

1.Савдогарбанкнинг 2005 йил фаолияти натижалари бўйича Банк Бошқарувининг ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2006 йилги асосий вазифалари тўғрисида.

2.Савдогарбанкнинг 2005 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

3.Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

4.Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида.

5.Банк Бошқаруви раиси ва унинг таркибини ҳамда Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

6.Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

7.Банк номини ўзгартириш ҳамда янги таҳрирдаги устави тасдиқлаш тўғрисида:

1) Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки номи «Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки» қилиб ўзгартирилсин.

2) Янги таҳрирдаги Банк Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3) Банк Бошқарувига банк номини ўзгартириш билан боғлиқ харажатларни амалга оширишга рухсат берилсин.

Ёқлаганлар 524 та
Қаршилар ва бетарафлар йўқ.

**Хабарнома тартиб рақами 9**

Қуйидагилар Кенгаш таркибидан чиқарилади:

1.Нурмаматов М. Савдогарбанкнинг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Банк Кенгаши аъзоси

2.Халпаев Б.У. «Инвест-траст» банклараро компанияси Бош директори, Банк Кенгаши аъзоси

**Қуйидагилар Кенгаш таркибига киритилди**

1.Рипплингер А. R&D Express-Aussenhandels GMBH» компанияси директори, Банк Кенгаши аъзоси

2.Ким Э.Б. «ILK PLYS» инвесторлар уюшмаси бош бухгалтери, Банк Кенгаши аъзоси

**Банк Бошқаруви қуйидаги таркибда тасдиқланди:**

1.Мансуров Суръат Марифович Бошқарув Раиси

2.Тўйчиев Жабборқул Истамович Бошқарув раиси биринчи ўринбосари, Бошқарув аъзоси

3.Алимов Мурод Усмонович Банк Бош бухгалтери, Бошқарув аъзоси

4.Акрамов Маҳаммад Адҳамович Кредит ресурслари ҳамда активлар ва пассивларни бошқариш департаменти директори, Бошқарув аъзоси

5.Насриддинов Ҳасан Шарофутдинович Амалиёт бошқармаси бошлиғи, Бошқарув аъзоси

Савдогарбанк акциядорларининг 2006 йил 12 майдаги қарори.
Ёқлаганлар 524 та
Қаршилар ва бетарафлар йўқ.

**Хабарнома тартиб рақами 10**

Савдогарбанк акциядорларининг 2006 йил 12 майдаги қарорига асосан 2005 йил натижалари бўйича оддий акциялар бўйича 12 фоиз миқдорида дивиденд ҳисобланди. Ҳисобланган дивиденд маблағлари юридик шахсларга ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан, жисмоний шахсларга омонат ҳисобга ўтказиш орқали тўланади. Эълон қилинган дивидендларда даромад солиғи ҳисобга олинмаган. Дивидендлар 2006 йил 11 июлгача тўлаб берилади.

**Хабарнома тартиб рақами 05**

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг 2006 йил 12 май куни бўлиб ўтган йиғилиши Банкнинг 2006 йил биринчи чораги фаолият натижалари бўйича оддий акция эгаларига йиллик 10 фоиз ҳисобида ҳар бир акцияга 2,5 фоиздан чораклик дивиденд тўлаш ҳақида қарор қилди. Ҳисобланган дивиденд маблағлари юридик шахсларга ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан, жисмоний шахсларга омонат ҳисобига ўтказиш орқали тўланади. Эълон қилинган дивидендларда даромад солиғи ҳисобга олинмаган. Дивидендлар 2006 йил 11 июлгача тўлаб берилади.


Жанубий Кореянинг Тайбек шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ўтган навбатдаги Осиё чемпионатида иштирок этган спортчиларимиз унинг уч усули - ўтириб туриш, ётиб кўтариш ва ердан узиб олиш машқларида юқори натижаларга эришиб, юртимизга жами 28 та олтин, 19 та кумуш ва 6 та бронза медал билан қайтди.

# МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Қитъа чемпионатида ҳамюртларимиздан Илҳом Бўриев, Алексей Ким, Воҳиддин Нажмиддинов, Виталий Левинский, Александр Романенко, Сергей Фотиев, Ефим Наниев, Константин Хардин, Александр Лузанов, Александр Макаров, Сардор Тўйчиев, Анна Васина, Надежда Малюгина, Зарифа Козлан ва Юля Стесенко ўз вазн тоифасида ғолиб чиқиб, медаллар шодасига ҳисса қўшди.

Терма жамоамиз эса умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритди.

**(ЎзА)**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши Гулистон Давлат Университети касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Умурзоқ Ўлжабоевга волидаи муҳтарамаси

**ТОШБУВИ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ишонч»—«Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси таҳририятнинг хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими ходими Комила Боймуродовага бувиси

**ТОШБУВИ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Андижон Давлат Тиббиёт институти томонидан Ҳасанова Сарвиноз Дадахоновна номига 1991 йилда берилган FV 936431 регистрация №15306 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**



**Ishonch**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15164 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 714

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Бизга қўнғироқ қилинг:** Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

**Бизнинг манзил:** *700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.* *Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Мусаҳҳиҳ - Қ.Шаробиддинов
Навбатчи - Т.Шернаев

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди -